**“Тасдиқлайман”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Сув хўжалиги вазири**
**_________Ш.Р.Хамраев**
**2023 йил “15” декабрь**

## Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Сувхўжаликназорат” инспекциясининг 2024 йилнинг I ярим йиллиги учун мўлжалланган

## И Ш   Р Е Ж А С И

| № | Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | **I боб. 2024 йилнинг I ярим йиллигида соҳада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш** | | |
| 1. | Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги ҳамда “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунларининг ижросини таъминлаш, шу жумладан, гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини доимий назорат қилиш бўйича тадбирлар мажмуини олдиндан ўтказиш орқали мақсадли ва самарали фойдаланишни **тизимли равишда ташкил этиш**. | 2024 йил I ярим йиллиги давомида | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов-у- А.Ташматов-у- ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳатлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 20 июндаги ПФ–101-сон Фармонида белгиланган Инспекциянинг **асосий вазифалари ижросини таъминлаш.**<br>Барча ер усти сув объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидалари (тартиби)га риоя этилиши устидан назорат қилиш. | 2024 йил I ярим йиллиги давомида | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, А.Ташматов-у- ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 3. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 500-сон қарорида белгиланган инспекциянинг **асосий вазифалари ижросини таъминлаш.**<br>ер усти сувлари объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва | 2024 йил I ярим йиллиги давомида | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов-у- А.Ташматов-у- ҳудудий бошқарма бошлиқлари |

| № | Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | сув истеъмоли қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;<br>ўта муҳим гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва хавфсизлиги устидан доимий назорат ўрнатиш. | | |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сонли қарори ижроси юзасидан, Давлат бюджетидан субсидия олиб жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологиясидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ўрганиш. | 2024 йил I ярим йиллиги давомида | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, А.Ташматов, ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 5. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2013 йил 19 мартдаги 82-сонли қарорининг **асосий вазифалари ижросини таъминлаш:**<br>“Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари бажарилиши юзасидан назорат ўтказиш. | 2024 йил I ярим йиллиги давомида | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, А.Ташматов, ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| | **II боб. 2024 йилнинг I ярим йиллигида вазирликнинг устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш** | | |
| 6. | Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунига асосан қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | Январь | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, С.Азизов |
| | **III боб. 2024 йилнинг I ярим йиллигида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилиш учун киритиладиган масалалар** | | |
| 7. | Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилиш учун инспекция томонидан фаолиятга доир киритиладиган масалаларни тайёрлаш ва Сув хўжалиги вазирлигига ахборот киритиб бориш. | Ҳар чорак якуни билан | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, А.Ташматов, |
| | **IV боб. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳузурида кўриб чиқиладиган масалалар** | | |
| | **а) Белгиланган устувор вазифаларига мувофиқ республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида иқтисодий ислоҳотларнинг натижадорлигини таҳлил қилиш** | | |
| 8. | **2024 йилнинг** биринчи ярим йиллигида инспекция назоратидаги сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини баҳолаш учун инспекторлик текширувларни ўтказиш, | Тасдиқланган графикка | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, |

| № | Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, “Сирдарё” ва “Амударё” сув хўжалиги бирлашмалари томонидан биринчи навбатда амалга оширилиши талаб этиладиган кўрсатмаларнинг бажарилишини таҳлил қилиш. | асосан | Ш.Исмаилов,<br>ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| **б) 2024 йилнинг I ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ҳукумат қарорларининг бажарилишини мақсадли ўрганиш** | | | |
| 9. | Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 ноябрдаги “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 499-сон қарори билан тасдиқланган хавфсизлик декларацияси Низоми бўйича вилоятларда ишлаб чиқилаётган хавфсизлик декларацияларини **мақсадли ўрганиш**:<br>**Жиззах, Сурхондарё, Андижон ва Сирдарё вилоятлари.** | Февраль<br>Март<br>Апрель<br>Май | З.Ирисбоев,<br>Р.Рахимов,<br>Ш.Исмаилов,<br>ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 10. | Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 декабрдаги “Гидротехник иншоотларни хавфсизлигини таъминлаш бўйича авариявий моддий-техник захираларни яратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1064-сон қарори топшириқлари ижросини **мақсадли ўрганиш:**<br>**Фарғона, Наманган, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари.** | Март<br>Апрель<br>Май<br>Июнь | З.Ирисбоев,<br>Р.Рахимов,<br>Ш.Исмаилов,<br>ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 11. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги 174-сонли қарори билан тасдиқланган “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-иловасига мувофиқ сувнинг кунлик ҳисоби журналларини рўйхатдан ўтказилишини **мақсадли ўрганиш.**<br>**Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари** | Март<br>Апрель<br>Май<br>Июнь | З.Ирисбоев,<br>Р.Рахимов,<br>А.Ташматов,<br>ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 12. | Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 декабрдаги 1009-сон “Дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор талабларини бажарилиши бўйича вилоятларда **мақсадли ўрганиш:**<br>**Самарқанд, Тошкент, Сирдарё ва Наманган вилоятлари;** | Февраль<br>Март<br>Апрель<br>Май | З.Ирисбоев,<br>Р.Рахимов,<br>Ш.Исмаилов,<br>ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 13. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида” 310-сонли қарори ижросини таъминлаш | Март<br>Апрель<br>Май | З.Ирисбоев,<br>Р.Рахимов,<br>А.Ташматов, |

| № | Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | мақсадида туманлардаги ирригация ва суғориш тармоқларининг сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда сувнинг ҳисоб-китоби юритилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилишини **мақсадли ўрганиш**:<br>**Андижон, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятлари;** | Июнь | худудий бошқарма бошлиқлари |
| **V боб. 2024 йилнинг I ярим йиллигида ўтказиладиган инспекция йиғилишларида муҳокама қилинадиган масалалар** | | | |
| 14. | Инспекция ва унинг худудий бошқармалари томонидан гидротехника иншоотлари хавфсизлиги ва ишончли ишлашини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни танқидий **муҳокама қилиш.** | Ҳар чорак якуни билан | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, худудий бошқарма бошлиқлари |
| 15. | Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига риоя этилиши юзасидан амалга оширилган ишларни танқидий **муҳокама қилиш.** | Ҳар чорак якуни билан | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, А.Ташматов, худудий бошқарма бошлиқлари |
| **VI боб. 2024 йилнинг I ярим йиллигида вазирликнинг тармоқ илмий-кенгашида кўриб чиқиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар** | | | |
| 16. | Сув хўжалиги вазирлигининг тармоқ илмий-кенгашида кўриб чиқиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар бўйича инспекциянинг масъул ходимини иштирок этишини таъминлаш. | Доимий | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Н.Эрназаров, |
| **VII боб. 2024 йилнинг I ярим йиллигида ўтказиладиган вазирлик марказий аппарати мажлисларида муҳокама қилинадиган масалалар** | | | |
| 17. | Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан сув объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этилиши юзасидан амалга оширилаётган ишларни **муҳокама қилиш.** | Июль | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, А.Ташматов, худудий бошқарма бошлиқлари |
| 18. | Сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланиши, улар белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши бўйича амалга оширилган ишларни | Ҳар чорак якуни билан | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, |

| № | Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | муҳокама қилиш. | | А.Ташматов, ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 19. | Вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги объектларининг хавфсизлик декларацияларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертизадан ўтказилишини муҳокама қилиш. | Ҳар чорак якуни билан | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| **VIII боб. 2024 йилнинг I ярим йиллигида ўтказиладиган вазир ўринбосарлари ҳузурида муҳокама этиладиган масалалар** | | | |
| **Вазир ҳузурида муҳокама этиладиган масалалар** | | | |
| 20. | 2023-2024-йилларнинг носуғориш мавсуми учун сув истеъмоли юзасидан тузилган шартномаларнинг таҳлили ва жойлардаги махсус хизматлар томонидан мазкур масалада йўл қўйилаётган камчиликлар муҳокамаси. | 1-чорак якуни билан | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, А.Ташматов, |
| **Вазирнинг биринчи ўринбосари (вакант) ҳузурида муҳокама этиладиган масалалар** | | | |
| 21. | Хавф даражаси юқори бўлган “Каркидон” сув омборини техник ҳолати ва иш қобилиятини баҳолаш, хавфсиз ишлатишни таъминлаш, ва камчиликларини бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишларни муҳокама қилиш. | Июнь | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, |
| **Вазир ўринбосари (Р.Қаршиев) ҳузурида муҳокама этиладиган масалалар** | | | |
| 22. | Давлат бюджетидан субсидия олиб жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологиясидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан ўтказилган назорат тадбирларини муҳокама қилиш. | Ҳар чорак якуни билан | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, А.Ташматов, |
| **IX боб. Яқин 2-3 йилда амалга оширилиши мўлжалланган истиқболдаги вазифалар** | | | |
| 23. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-465-сон қарорида белгиланган хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларини бажарилишини таҳлил қилиб бориш. | 2023-2025 йиллар давомида доимий | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| **X боб. 2024 йилнинг I ярим йиллигида амалга ошириладиган тадбирлар** | | | |
| 24. | 2024 йилнинг I ярим йиллигида инспекция назоратидаги **260 та** сув хўжалиги | Тасдиқланган | З.Ирисбоев, |

| № | Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | объектларининг техник ҳолатини баҳолаш учун инспекторлик текширувларни ўтказиш, натижалари бўйича Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ, “Сирдарё” ва “Амударё” сув хўжалиги бирлашмаларига биринчи навбатда амалга оширилиши талаб этиладиган кўрсатмалар **киритиб бориш:**<br>**58 та** сув омборларда, **47 та** гидроузелларда, **59 та** магистрал каналларда, **16 та** магистрал коллекторларда, **31 та** насос станцияларда ва **49 та** ГЭСларда. | графикка асосан | Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 25. | Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари томонидан сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолига риоя этилиши юзасидан **852 та** экин майдонларини кўллатиб суғориш, **520 та** сувни коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб қўйиш, **448 та** рухсат этилмаган жойлардан шартнома тузмасдан сув олиш, **52 та** ҳолатда каналлардан ноқонуний сув олиш жойларини очиш, **540 та** ҳолатда сувнинг ҳисобини юритмаслик ва хатоликлар билан юритиш, **211 та** меъёридан ортиқча сув олиш, **320 та** сувни бошқариш ва ўлчаш воситалари билан жиҳозламасдан сув олиш ҳамда **152 та** ҳолатда сувни бошқариш ва ўлчаш воситаларини шикастлантириш каби ҳолатларни аниқлаш юзасидан назорат тадбирларини ўтказиш. | 2-чорак якуни билан | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, А.Ташматов, Ҳудудий бошқарма бошлиқлари. |
| 26. | Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг Техник ҳолатини диагностика қилиш, Кадастр хужжатларини тузиш, Хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқиш ишларини олиб борилишини таъминлаш: | 2024 йил I ярим йиллиги давомида | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 27. | Хавф даражаси юқори бўлган **15 та** (*“Қорғонтепа”, “Оқтепа”, “Намуна-Дегрез”, “Обширсой”, “Ертикон”, “Шуртан” ва “Гулдара” сув омборлари, “Тешиктош”, “Водил” ва “Файзабод” гироузеллари, “Катта Фарғона каналидаги” ГЭСлар каскади, “Аму Бухоро” машина канали, “Олот” насос станцияси, “Дул-дул” ва “Жиззах бош” коллекторлари*) сув хўжалиги объектларининг хавфсизлик декларацияларини Экспертлар кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш. | Май | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 28. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5055-сонли қарорининг 13-иловаси “Йўл харитаси”нинг 13-бандига асосан Республикадаги барча сув омборлари ва йирик гидротехник иншоотларни ҳар йили суғориш мавсуми тугаганидан сўнг (сув омборларида сув сатҳи пасайгандан сўнг), | Май | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, ҳудудий бошқарма |

| № | **Устувор вазифалар, ўрганиладиган ва муҳокама қилинадиган масалалар ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар** | **Муддати** | **Масъуллар** |
|---|---|---|---|
| | шунингдек, ёзги суғориш мавсумида ишчи гуруҳ билан биргаликда ўрганиб чиқиш: **“Фарғона сув иншооти”, “Сардоба”, “Жиззах” сув омборларида.** | | бошлиқлари, тегишли идоралар билан биргаликда |
| 29. | Масъул ижрочилар томонидан назорат ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича ***“Ijro.gov.uz”*** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларнинг ўз вақтида киритилишини **мунтазам назорат ва таҳлил қилиб бориш.** | Доимий | З.Ирисбоев, Б.Убайдуллоев |
| 30. | Инспекцияга жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган барча ариза ва мурожатларни **ўрганиш ҳамда ўз вақтида ижросини таъминлаш.** | Доимий | З.Ирисбоев, Б.Убайдуллоев |
| | **XI боб. 2024 йилнинг I ярим йиллигида ташкил этиладиган матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, ўқувлар, илмий-амалий анжуманлар** | | |
| 31. | Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунга асосан, Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминлашда амалий семинар ўтказиш. | Февраль | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, |
| 32. | Сувдан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2013 йил 19 мартдаги 82-сонли қарори ижроси бўйича **Жиззах** вилоятида амалий семинар ташкил этиш. | Июнь | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, А.Ташматов |
| 33. | “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида таҳсил олаётган талабаларни гидротехника иншоотлари ишончлилиги ва хавфсизлиги бўйича малакали кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича **техник ўқишлар ташкил этиш.** | 2024 йил I ярим йиллиги давомида | З.Ирисбоев, Р.Рахимов, Ш.Исмаилов, К.Муратов |